

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

2/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/2 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Ҳожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудир;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Полвонов Козимбек

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ШАҲАРЛАРИ ТОПОНИМИГА ОИД
МАЪЛУМОТЛАР 10-15

Hadjamuratova Matlyuba

МАКТАВГАСНА ТА’ЛИМДА БОЛАЛАРНИ ИЈТИМОИЙ НИМОҲА ҚИЛИШГА INNOVATSION
YONDOSHUVNING DOLZARBLIGI 16-21

Шовкатов Шокир Шовкат ўғли

АБУЛ-ЮСР ПАЗДАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР 22-31

Mo‘minov Xusanboy Madaminjonovich, Qodirjonov Omadjon Tavakkaljon o‘g‘li

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SUD QONUNCHILIGIGA KIRITILGAN O‘ZGARISHLAR VA
ULARNING АНАМИЯТИ 32-36

Пардаев Асрор

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ
МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ 37-42

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Умурзақова Мўътабархон Нодир қизи

ЖАХОНДА ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ 43-52

Рахманов Зафар

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ 53-62

Аминов Фазлитдин Бахадирович

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИКЕ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН 63-70

Курбонова Шахринос Авазхоновна

ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР
ТАҲЛИЛИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ 71-81

Azimova Hulkar Egamberdiyevna

KREDIT PORTFELINI SAMARALI BOSHQARISHDA TIJORAT BANKLARINING O‘RNI 82-87

Rajabov Orzujon Mamasoliyevich

LOGISTIKA XIZMATLARINI KO‘RSATISHDA BUYUMLAR INTERNETI (INTERNET OF
THINGS)DAN FOYDALANISH 88-93

Саидов Сарвар Хайруллоевич

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИДА БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
БОРАСИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ 94-104

Сержанов Аймурат Медетбаевич

ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ БАНКЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ЯРАТИШ
ЗАРУРИЯТИ 105-111

Туробов Шерзод Алишеревич, Ибодуллаев Зафар Ибодуллаевич

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ 112-119

Daniyarova Feruza Baxriddinovna, Chinorova Shahodat Mansur qizi

O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTIGA HORIJIIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH
YO‘LLARI 120-126

Temirova Feruza Sagdullayevna
XULQ-ATVOR IQTISODIYOTI VA BRENDGA SODIQLIK 127-132

Sharipova Shaxzoda Xasanovna
YANGI O'ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI 133-138

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Алимова Шахноза Хамидовна
НОГИРОНЛИГИ БОР ЁШЛАР - АЛОҲИДА ХУСУСИЯТГА ЭГА ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК
ГУРУҲ СИФАТИДА 139-147

Асракулова Адиба Набиевна
“ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ” НИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ
ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ
АҲАМИЯТИ 148-154

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Teshabayeva Dilfuza Muminovna
LEXICAL PROBLEMS OF TRANSLATING THE NAMES OF NEW PHENOMENA IN MASS
MEDIA 155-160

Rustamov Ilhom Tursunovich, Inog'omjonova Robiya Rustamjon qizi
INTERFERENSIYA HODISASINING TILDA AKS ETISHI XUSUSIDA OLIMLARNING
TADQIQOTLARI VA QARASHLARI 161-165

Abdikhmidova Sevinch Obidjon kizi
PROBLEMS FACED IN TRANSLATING PROPER NOUNS 166-170

Djurakulova Elmira Suyunova
SHOYIM BO'TAYEV ROMANLARIDA BADIY XRONOTOP VA MIFOLOGIK TALQIN 171-177

Dalieva Madina Khabibullaevna
THE ROLE OF BLENDING THEORY IN POLYSEMY AND METAPHOR 178-183

Жўраева Ирода Ахмедовна
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИК ЛУФАТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ 184-189

Iminova Shahnoza-Begim Bahodirovna
INGLIZ TILIDA INSONNING IJOBIY AQLIY XUSUSIYATLARINING IFODALOVCHI
BIRLIKLARINING KONSEPTUAL, LINGVO-MADANIY XUSUSIYATLARI 190-193

Irgasheva Shoxida Sadriddinovna
INTERNET DISKURSIDAGI IQTISODIY NEOLOGIZMLARNI TARJIMA QILISH
XUSUSIYATLARI 194-200

Tursunova Zarina Farxodovna
LINGVISTIKADA EMOTLARNI O'RGANISHGA ZAMONAVIY YUNDASHULAR (INGLIZ TILI
ASOSIDA)..... 201-205

Satibaldiyev Erkinjon Kamilovich
PARADIGMATIC SOUND INTERFERENCE IN THE ENGLISH SPEECH OF
TURKOPHONES 206-212

Radjabova Hafiza Shukrulloevna
INGLIZ VA O'ZBEK TERMINOLOGIYASINING METODOLOGIK ASOSLARI 213-220

Avezova Dilovar Salimovna
TAXALLUSLARNI O'RGANISHNING NAZARIY JIHATI 221-225

| | |
|---|---------|
| <i>Alikberova Kamila Adhamovna</i> A CRITICAL ANALYSIS OF LANGUAGE USE AND LANGUAGE ACQUISITION | 226-232 |
| <i>Rakhmatova Bahara Ibodulla qizi</i> THE ROLE OF LEGAL DISCOURSE IN MODERN LINGUISTICS | 233-238 |
| <i>Valieva Nargizakhon Zamir kizi</i> COMPARATIVE ANALYSIS OF “KITE RUNNER” AND “A THOUSAND SPLENDID SUNS” BY KHALED HOSSEINI: THEMES, CHARACTERS, AND SOCIOPOLITICAL CONTEXT | 239-244 |
| <i>Mamatqulova Zilola Rejabaliyevna</i> RISHTON KULOLCHILIK MAKTABI KASB-HUNAR LEKSIKASINING STUKTURAL TASNIFI | 245-251 |
| <i>Alimova Kamola Tursunovna</i> CHALLENGES IN PREPARATION OF GUIDE TRANSLATORS | 252-258 |
| <i>Сейтумбетова Айкумар Пулатбаевна</i> ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В АНГЛИЙСКОМ, РУССКОМ И КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ..... | 259-264 |
| <i>Бегжанова Айсилу Махмудовна</i> ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ | 265-270 |
| <i>Kubanova Ilmira Sharifovna</i> EXPLORING ABBREVIATED RAILWAY TERMINOLOGY IN ENGLISH: A COMPREHENSIVE ANALYSIS | 271-275 |
| <i>Azamjonova Sarvinoz</i> USE OF TOPONYMS IN MODERN FRENCH MEDIA | 276-282 |
| 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР | |
| <i>Muxiddinova Dildora Muxiddinovna</i> O‘ZBEKISTONNING BOJXONA FAOLIYATIGA KIOTO KONVENSIYASINI JORIY ETISHNING HUQUQIY JIHLTLARI VA JSTGA A‘ZOLIKNING TA‘SIRI | 283-292 |
| <i>Asadov Eldorjon Nizomiddin o‘g‘li</i> SOLIQ NAZORATI HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH DAVLAT MOLIVAVIY NAZORATI INSTITUTINING MUHIM OMILI | 293-298 |
| <i>Mustanov Ixom Abdivalijonovich</i> BANK QONUNCHILIGINI BUZGANLIK UCHUN JAVOBGARLIKNING NAZARIY-HUQUQIY JIHLTLARI | 299-304 |
| <i>G‘oyibov Jo‘rabek Choriyevich</i> YOSHLAR MIGRATSIYASI: MUAMMO VA YUTUQLAR TAHLILI | 305-309 |
| 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ | |
| <i>Kuziyev Otabek Chuliyevich</i> TALABALARDA AXBOROT MODELLASHTIRISH KO‘NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING MUHIM UCH BOSQICHI | 310-314 |
| <i>Fattaxova Diloram</i> TIL O‘QITISHDA FOYDALANILADIGAN KOMPYUTER METODLARI | 315-321 |
| <i>Moydinova Elmira</i> APPLICATION OF FLIPPED LEARNING METHODS IN THE UNIVERSITY | |

| | |
|---|---------|
| CLASSROOM | 322-326 |
| <i>Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi</i> | |
| ZAMONAVIY BOSHLANG'ICH TA'LIMDA 4K MODEL KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHGA INTEGRATIV YONDASHUVNING MOHIYATI | 327-333 |
| <i>Doniyorova Gulrux Shoniyozovna</i> | |
| AVTOMOBILSOZLIK YO'NALISHI TALABALARINING KASBIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA DASTURIY VOSITALARNING AHAMIYATI | 334-338 |
| <i>Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna</i> | |
| RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIMNING ASOSIY NAZARIYALARIDA TA'LIM OLUVCHINING ANALITIK QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI | 339-344 |
| <i>Xo'jamberdiyeva Dilfuza Ikramovna</i> | |
| DARSLIK BILAN ISHLASH O'QUVCHILARNING AXBOROT KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA | 345-351 |
| <i>Mamaraimov Bekzod Qodirovich</i> | |
| O'QUVCHILARNING TADQIQOTCHILIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH VA ULARNING QIDIRUV FAOLIYATIGA TAYYORLIGI | 352-356 |
| <i>Xudayberdiev Nurislam Nuralievich</i> | |
| BO'LAJAK O'QITUVCHILARINING RAQAMLI KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHNING TASHKILY-PEDAGOGIK MEXANIZMI | 357-363 |
| <i>Qarshiyev Jamshid Murotaliyevich</i> | |
| TALABALARINING O'QUV FAOLIYATI VA ILMIY IZLANISHLARIDA SUN'IY INTELLEKT: IMKONIYAT VA CHEGARALAR | 364-369 |
| <i>Teshaboyeva Shahodat</i> | |
| ZAMONAVIY SHAROITDA SHAXSNING KASBIY HUQUQIY MADANIYATI | 370-375 |
| <i>To'rayeva Dilnoza Ismoilovna</i> | |
| RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHINING KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH USLUBIY TAYYORGARLIKNING BIR QISMI SIFATIDA | 376-380 |
| <i>Beknayeva Shaxnoza Vladimirovna</i> | |
| MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA INNOVATSION JARAYONLAR | 381-388 |
| <i>Dusyarov Salimjon Xudaymurotovich</i> | |
| HARAKATLI O'YINLAR ASOSIDA MAKTAB O'QUVCHILARIDA JISMONIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISH | 389-393 |

Туробов Шерзод Алишерович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти доценти, и.ф.ф.д. (PhD)

Ибодуллаев Зафар Ибодуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси магистранти

Email: sh.turobov@gmail.com

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси ва уни Ўзбекистон Республикаси банк тизимида қўллаш амалиётлари ҳақида тадқиқот натижалари баён этилган. Шунингдек, тижорат банкларининг муваффақиятли амалиёти ва тартибга солишнинг инновацион ёндашувлари, замонавий иқтисодий шароитда тартибга солувчи органлар дуч келаётган муаммо ва камчиликлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: норматив талаб, назорат, иқтисодий муҳит, тажриба, тартибга солиш, муаммо, тижорат банки.

Turobov Sherzod Alisherovich

Associate professor of Karshi engineering-economics institute,
doctor of philosophy in economical sciences (PhD)

Ibodullayev Zafar Ibodullayevich

Master's student at the Banking and Finance Academy
of the Republic of Uzbekistan

FOREIGN EXPERIENCE IN REGULATING THE ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS

Abstract: This article describes the results of a study of the experience of foreign countries in regulating the activities of commercial banks and its application in the banking system of the Republic of Uzbekistan. The successful practice of commercial banks and innovative approaches to regulation, problems and shortcomings faced by regulators in modern economic conditions are also analyzed.

Key words: regulatory requirement, control, economic environment, experience, regulation, problem, commercial bank.

Туробов Шерзод Алишерович

Доцент Каршинского инженерно-экономического института, д.ф.э. (PhD)

Ибодуллаев Зафар Ибодуллаевич

Магистрант Банковско-финансового академии Республики Узбекистан

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РЕГУЛИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Аннотация: В данной статье описаны результаты исследования опыта зарубежных стран по регулированию деятельности коммерческих банков и его применения в банковской системе Республики

Узбекистан. Также анализируется успешная практика коммерческих банков и инновационные подходы к регулированию, проблемы и недостатки, с которыми сталкиваются регулирующие органы в современных экономических условиях.

Ключевые слова: нормативное требование, контроль, экономическая среда, опыт, регулирование, проблема, коммерческий банк.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI2Y2024N14>

Кириш. Ҳозирги кунда тижорат банклари кредитлаш билан боғлиқ рисклар, паст ликвидли молиявий ресурслар, операцион хатарлар, нормативлардаги ўзгаришлар, рақобат, молиявий муаммолар, технологик ўзгаришлар каби омиллар банкларнинг муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш учун ўзгарувчан бозор талабларига тез жавоб бериш ва стратегик бошқариш қобилиятига эга бўлиши зарур. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш замонавий молия тизими шароитида муҳим ҳисобланади. Иқтисодий ва молиявий муносабатларнинг доимий ўзгариб бориши, шунингдек, глобаллашувнинг кучайиши шароитида турли мамлакатларда қўлланиладиган тартибга солиш механизмларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва илғор ютуқларини амалиётга татбиқ этиш банкларнинг самарали фаолият юритиши ва унинг барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилдир.

Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш инновацион ёндашувлар, энг яхши тартибга солиш стандартларини аниқлаш ва муваффақиятли банк амалиётларини миллий иқтисодиётга мослаштириш ва қўллаш имконини беради. Шунингдек, банк соҳасида юзага келиши мумкин бўлган инқироз ва муаммоларнинг олдини олишга, молия институтлари фаолиятининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга, мижозлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва умуман молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш шартларини яхшилашга ёрдам беради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича хорижий тажрибаларни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Кейинги ўн йилликда хорижий капитал билан тузилган банкларни МДҲ давлатларида ривожланишини фаоллаштираётганлигини кузатиш мумкин. Лекин Ҳамдўстлик давлатларида хорижий капитал билан тузилган банкларнинг тутган ўрни турличадир. Агар баъзи бир давлатларда (Грузия, Қирғизистон, Молдова) норезидент иштирокидаги банклар миллий банк хизматлари бозорида юқори ўринни эгалласа, нисбатан йирик банк тизимига эга бўлган давлатларда кейинги йилларда халқаро капитал маҳаллий кредит ташкилотларини ютиб юбориш ҳисобидан ўз иштирокини фаоллаштиришни бошлаб юборди [5, 349-б.].

Кўпчилик мамлакатларда банкларнинг назорат қилиш вазифасини бир нечта органлар биргаликда амалга оширишади. Масалан Японияда бу вазифани Молия вазирлиги билан Япон банки биргаликда амалга оширади. Германияда Назорат бошқармаси ҳамда Бундесбанк томонидан олиб борилади. Бундан ташқари, Дания давлатида банклар устидан назоратни мамлакатнинг Саноат вазирлиги амалга оширади [4, 53-б.].

Банк тармоқлари асосий молиявий воситачилар сифатида ликвидлик ва тўлов хизматларини тақдим этади, депозитларни кредитларга айлантиради, инвестиция лойиҳаларини бошқаради ва назорат қилади. Банкларнинг самарали ишлаши нафақат

иқтисодий ривожланишга ёрдам беради, балки иқтисодиётда даромадларнинг тақсимланишига ҳам таъсир қилади. Бироқ, 2008 йилги глобал молиявий инқироз банк тизими ҳар доим ҳам барқарор эмаслигини кўрсатди. 2008 йилги глобал молиявий инқироздан олдин АҚШ банк тизими кўчмас мулк пуфагида жиддий иштирок этган [6, 1-б.].

Тадқиқотчи А.А.Казимагомедовнинг фикрича, МДХ мамлакатлари банк қонунчилигининг энг муҳим бўлимларидан бири банкларнинг молиявий барқарорлиги қоидаларини ўз ичига олади. Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунлар тижорат банкларининг марказий (миллий) банкда мажбурий захираларни сақлаш, ўз суғурта ва захира фондларини яратиш зарурлиги тўғрисидаги қоидаларни белгилайди [3, 116-б.].

Ўзбекистон институционал ислохотларнинг дастлабки босқичларида ва давлат банкларини трансформация қилишда баъзи ютуқларга эришди. Хусусан, давлат корхоналарини давлат маблағлари ҳисобидан имтиёзли шартларда кредитлаш камайди, жисмоний шахслар ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рақобатбардош молиялаштириш имкониятлари кенгайтирилди [1.].

Мазкур тадқиқотни ўтказишда биз турли мамлакатларда тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий мақолалар, китоблар, диссертациялар ва бошқа нашрлар таҳлилини ўтказдик, тўпланган маълумотлар қиёсий таҳлил қилинди, олинган маълумотлар асосида турли вазиятларнинг симуляциясини амалга оширдик, анализ ва синтез, мантиқий назорат ва хулосалаш методларидан кенг фойдаландик.

Муҳокама. Тижорат банклари ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг муҳим бўғини ҳисобланиб, улар ўз ресурсларидан ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлаш, товарларни бозорга олиб чиқиш, мамлакат ва хорижда тижорат ҳамда саноат фирмаларининг рақобатбардош мавқеларини мустаҳкамлаш учун фойдаланадилар.

Банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш бўйича бошқа мамлакатларда қўрилаётган самарали чора-тадбирларни ўрганиш ва уларни амалиётга жорий этиш ҳозирги кунда муҳим ҳисобланади. Жумладан, бугунги кунда баъзи мамлакатлар банклар учун капитал талабларини кучайтиришга эътибор қаратмоқда, бу уларнинг молиявий таҳдид ва инқирозларга чидамлилигини оширишга ёрдам беради. Бошқалари эса рискларни назорат қилиш ва молиявий барқарорлик мониторингига эътибор қаратади. Ушбу усулларни ўрганиш ва уларни мамлакатимиз тижорат банклари амалиётида қўллаш рискларни минималлаштириш ва банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали стратегияларини аниқлаш имконини беради.

Ривожланган давлатлар банк соҳасида рақамли технологияларни ривожлантиришни фаол қўллаб-қувватлаб, инновациялар, янги молиявий маҳсулотлар ва хизматларни тақдим этиш учун қулай муҳит яратмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борадаги тажриба алмашиш банк соҳасида инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва рақобатни рағбатлантиришнинг энг самарали усулларини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича хорижий тажрибани ўрганишда молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам муҳим ҳисобланиб, бунда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя

қилишни кучайтириш, тарифлар ва хизмат кўрсатиш шартларининг шаффофлиги ҳамда истеъмолчиларни адолатсиз банк амалиётларидан ҳимоя қилиш бўйича қатъий талабларни жорий этиш ҳам тижорат банкларимиз фаолиятида ижобий натижалар беради деб ҳисоблаймиз. Бу борадаги тажриба алмашиш мижозлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва умуман банк тизимига нисбатан истеъмолчилар ишончини оширишга ёрдам беради. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ҳар қандай давлатда молиявий тартибга солиш сиёсатини шакллантириш ва такомиллаштиришда асосий ўрин тутди.

Қуйида биз 2024 йил 1 март ҳолатидаги Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари, кредитлари, капиталлари ва депозитлари таҳлилини амалга оширдик (1-жадвал).

1-жадвал

Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари [2].

млрд. сўм

| № | Банк номи | Активлар қиймати | Кредитлар қиймати | Капиталлар қиймати | Депозитлар қиймати |
|------------------------------------|------------------------------|------------------|-------------------|--------------------|--------------------|
| Жами | | 648 617 | 472 407 | 99 048 | 237 938 |
| Давлат улуши мавжуд банклар | | 436 902 | 331 151 | 63 951 | 120 592 |
| 1 | Ўзмилийбанк | 123 406 | 98 797 | 18 101 | 31 589 |
| 2 | Ўзсаноатқурилишбанк | 74 028 | 57 397 | 8 955 | 14 440 |
| 3 | Агробанк | 67 394 | 54 498 | 11 974 | 14 751 |
| 4 | Асака банк | 54 604 | 38 398 | 6 673 | 13 015 |
| 5 | Халқ банки | 37 026 | 24 666 | 5 890 | 17 537 |
| 6 | Бизнесни ривожлантириш банки | 27 859 | 21 104 | 3 701 | 8 665 |
| 7 | Микрокредитбанк | 19 257 | 14 199 | 3 939 | 6 220 |
| 8 | Алоқа банк | 16 805 | 9 938 | 2 648 | 9 657 |
| 9 | Турон банк | 16 309 | 12 073 | 1 907 | 4 672 |
| 10 | Пойтахт банк | 214 | 81 | 163 | 47 |
| Бошқа банклар | | 211 716 | 141 256 | 35 097 | 117 345 |
| 11 | Ипотека банк | 46 345 | 37 488 | 7 383 | 16 651 |
| 12 | Капитал банк | 41 402 | 26 978 | 4 460 | 31 736 |
| 13 | Ҳамкор банк | 21 198 | 16 445 | 3 971 | 8 017 |
| 14 | Ипак йўли банк | 17 715 | 11 962 | 2 965 | 7 979 |
| 15 | Ориент Финанс банк | 12 253 | 8 873 | 2 370 | 7 582 |
| 16 | Траст банк | 9 660 | 5 286 | 2 364 | 6 791 |
| 17 | ЎзКДБ банк | 9 382 | 2 700 | 1 387 | 6 624 |
| 18 | Инвест Финанс банк | 9 355 | 6 414 | 1 195 | 7 166 |
| 19 | Азия Альянс банк | 8 112 | 3 965 | 914 | 5 773 |
| 20 | Тенге банк | 6 705 | 3 989 | 1 263 | 1 894 |
| 21 | Давр банк | 6 353 | 5 176 | 1 077 | 2 838 |
| 22 | Тибиси банк | 5 238 | 4 190 | 1 261 | 2 979 |
| 23 | Анор банк | 4 917 | 3 301 | 590 | 4 169 |
| 24 | Зираат банк | 2 988 | 1 682 | 475 | 2 022 |
| 25 | Октобанк | 2 744 | 146 | 494 | 1 777 |
| 26 | Универсал банк | 2 405 | 1 257 | 455 | 1 683 |
| 27 | Гарант банк | 1 795 | 894 | 286 | 1 082 |

| | | | | | |
|----|-------------------|-----|-----|-----|-----|
| 28 | Апекс банк | 556 | 32 | 313 | 201 |
| 29 | Ҳаёт банк | 525 | 59 | 174 | 251 |
| 30 | Эрон Содерот банк | 523 | 19 | 467 | 43 |
| 31 | Узум банк | 459 | 50 | 270 | 10 |
| 32 | АВО банк | 339 | 15 | 320 | 14 |
| 33 | Мадад инвест банк | 325 | 286 | 239 | 44 |
| 34 | Смарт банк | 212 | 0,2 | 208 | 5 |
| 35 | Янги банк | 211 | 48 | 196 | 15 |

Жадвал маълумотларидан шуни англаш мумкинки, мамлакатимизда фаолият юритаётган банкларнинг 28,6 фоизи давлат улуши мавжуд банклардир. Уларнинг ҳиссасига жами тижорат банклари активларининг 67 фоизи, кредитларининг 70 фоизи, капиталларининг 65 фоизи ва депозитларининг 51 фоизи тўғри келади. Бозор иқтисодиётининг амал қилиш механизмларидан бири мулкӣ плурализмнигинобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, банк тизимида давлат улушининг бу даражада юқори бўлиши бозор иқтисодиёти талабларига мос келмайди. Шу боис, давлат улуши мавжуд банкларни хусусийлаштириш ва ишончли қўлларга топшириш лозим.

Ҳозирда мамлакатимизда хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб электрон пуллардан фойдаланиш амалиёти кенг йўлга қўйилиб келинмоқда. Жумладан, Oson, e-card, Click, alif.mobi, A-pay, 1HLSW, GlobalPay, PayWay, Apelsin, ExMoney, Uzum nasiya, Ucoin ва Paynet wallet каби электрон пуллар тизимлари реестри юритилмоқда.

Натижалар. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари мамлакатларда банк тизимини такомиллаштириш бўйича қимматли дарслар ва муаммоли вазиятлар бўйича амалий ечимлар олишга ёрдам беради.

Қуйида биз хорижий мамлакатлар банк тизимларидаги назорат ва тартибга солиш усуллари, инновация ва ривожланишни рағбатлантириш механизмлари ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишлари ҳақидаги маълумотларни бир жадвалда ифодалашга ҳаракат қилдик (2-жадвал).

2-жадвал

Мамлакатлар банк тизимининг устунликлари¹.

| Мамлакат | Назорат ва тартибга солиш усули | Инновация ва ривожланишни рағбатлантириш | Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш |
|----------|--|--|---|
| АҚШ | Федерал резерв тизими ва бошқа идоралар орқали банк муассасалари фаолиятини тартибга солиш. капитал ва ликвидликка нисбатан талабларнинг | Fintech стартаплари, венчур капитали ва инновацион лойиҳалар фаол қўллаб-қувватланади. Инновациялар ва молиявий технологияларни рағбатлантириш | Федерал савдо комиссияси ва бошқа идоралар бозорни кузатиб боради ва мунтазам равишда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун маслаҳатлар бериб боради, ўқув |

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилди.

| | қатъийлиги таъминланади. | дастурлари амалиётга қўлланилади. | дастурлари ва янги қоидаларни ишлаб чиқади. |
|---------------|---|---|--|
| Буюк Британия | Банк фаолиятини тартибга солиш Банк комиссияси орқали амалга оширилади ва “уч томонлама таҳлил” тизими орқали банклар барқарорлиги баҳоланади. | Банк институтлари ва молиявий инновация марказлари орқали инновациялар қўллаб-қувватланади. Технологик кластерлар ва молиявий марказлар ривожлантирилади. | Молиявий омбудсманлар ва тартибга солувчи органлар истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Тарифлар ва хизматлар тўғрисидаги маълумотларни мажбурий равишда ошкор қилинади. |
| Япония | Япония молиявий хизматлар бошқармаси (FSA) банк фаолиятини тартибга солиб туради ва капитал ҳамда ликвидликка қатъий талаб ўрнатади. | Инновацион стартапларни молиявий қўллаб-қувватлаш дастурлари ишлаб чиқилиб, молиявий технопарклар ва инкубаторлар фаолияти йўлга қўйилади. | Назорат қилувчи органлар истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва банкротлик ҳолатларида уларга компенсация тўловлари тўланишини кафолатлайди. |
| Швецария | Швецария миллий банк комиссияси (FINMA) банкларни назорат қилиб, шаффофлик ва ҳисобот беришнинг юқори стандартларини белгилайди. | Молиявий инновациялар университетлар, тадқиқот институтлари ва хусусий инвесторлар орқали қўллаб-қувватланади ва стартаплар учун қулай муҳит яратилади. | Истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фирибгарликнинг олдини олиш ва депозитларни мажбурий суғурта қилиш амалга оширилади. |
| Германия | Молиявий назорат федерал агентлиги (BaFin) банк фаолиятини назорат қилиш учун жавобгар бўлиб, капитал ва ликвидликнинг юқори стандартларини белгилайди. | Банк хизматлари соҳасида стартапларни молиялаштирилади, қўллаб-қувватланади ва ташаббуслар рағбатлантирилади. | Банк соҳасида истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва фирибгарликнинг олдини олиш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мунтазам янгиланиб турилади. |

Ҳар бир мамлакатда банк фаолиятини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ёндашувлари мавжуд бўлиб, бу маълумотларни таҳлил қилиш бошқа

мамлакатларда банк тизимини такомиллаштиришга кўмаклашади. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш бўйича хорижий тажриба банклар, миждозлар, назорат қилувчи органлар ва бутун жамият манфаатлари учун муҳим ҳисобланиб, ушбу тажрибалар банк фаолиятини тартибга солишнинг самарали стратегияларини ишлаб чиқишга, молия тизимининг барқарорлиги ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Хулоса. Тижорат банклари иқтисодийнинг ривожланиши ва барқарорлигини таъминловчи муҳим сектор ҳисобланади. Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда уларнинг илғор ютуқларини мамлакатимиз банклари фаолиятида қўллаш ҳозирги кунда муҳим воқелик ҳисобланади. Хорижий мамлакатлар банк тизими ва уларнинг барқарорлигини таъминловчи омилларни ўрганишимиз мобайнида биз қатор хулоса ва таклифларга эга бўлдик. Жумладан, жаҳон ҳамжамиятининг бир қатор мамлакатларида банк иши соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар ва стандартларни уйғунлаштириш, тижорат банклари фаолияти мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш учун замонавий технологиялар ва таҳлил усулларини амалиётга жорий этиш, банк тизимида инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва банк хизматлари бозорида монополистик хатти-ҳаракатларни тартибга солиш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, банк фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш орқали тажриба алмашиш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва умумий стандартларни ишлаб чиқиш,

Юқорида келтирилган хулосалар асосида биз томонимиздан қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- халқаро даражада банк назорати соҳасида ягона стандартлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тезроқ жорий этиш;

- банклар фаолиятини янада самарали назорат қилиш учун назорат қилувчи ходимларнинг малакасини халқаро талаблар асосида ошириш ва уларнинг техника ва назорат методларини доимий янгилаш;

- тизимда рақобатни рағбатлантириш орқали банк соҳасида инновацион ривожланишни қўллаб-қувватлаш;

- аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- молиявий инқирозлар ва таҳдидларга янада самарали қарши туриш учун банк фаолиятини тартибга солиш соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уларни мустаҳкамлаш.

Ушбу чора-тадбирлар мамлакатимиз банк тизимининг рақобатбардошлиги, барқарорлиги ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради ҳамда мамлакат иқтисодийнинг ривожланишига ҳисса қўшади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. <https://blogs.worldbank.org/ru/developmenttalk/reformirovanie-bankovskoy-sistemy-opyt-bankovskogo-sektora-uzbekistana-v-perekhode>
2. <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1649315/>

3. Казимагомедов Абдулла Аседуллаевич (2015). Зарубежный опыт регулирования банковской деятельности и возможности его применения в российской банковской практике. Региональные проблемы преобразования экономики, (1 (51)), 115-124.
4. Норқобилов С., Дадабоева Ҳ., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / -Т.: "Iqtisod-moliya", 2007, 180 бет.
5. Тоумухамедов I.R., Тожиёв R.R., Azlarova A.A., Bazarova N.R., Sattorova N.G'. Pul va banklar. Darslik. –Т.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot – matbaa uyi», 2021 yil, 408 b.
6. Yang, Z.; Gan, C.; Li, Z. Role of Bank Regulation on Bank Performance: Evidence from Asia-Pacific Commercial Banks. *J. Risk Financial Manag.* 2019, 12, 131. <https://doi.org/10.3390/jrfm12030131>.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/2 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).